

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
Интеллектуал мулк агентлиги 2019 йилда амалга оширган ишлари,  
мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими бўйича таклифлари ҳамда  
келгусида амалга ошириши режалаштирилган устувор вазифалари**

Ассалому алайкум, хурматли матбуот анжуман қатнашчилари!

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан ишончли ҳуқуқий муҳофазани таъминлаш ҳамда инвестицион жозибадорликни ошириш мақсадида 2019 йилда “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори асосида Интеллектуал мулк агентлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида ўтказилди.

Жумладан, “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори асосида қатор янгиликлар жорий этилиб, Интеллектуал мулк агентлиги ижро этувчи аппаратининг янгиланган тузилмаси тасдиқланди.

2019/2020 ўқув йилидан Тошкент давлат юридик университетида “Интеллектуал мулк ҳуқуқи” мутахассислиги бўйича янги магистратура йўналиши очилди. Адлия вазирлиги ҳузурида адлия вазири раислигига интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси билан боғлиқ бўлган апелляцияларни судгача кўриб чиқувчи Апелляция кенгаши ташкил этилди. Албатта, бу ислоҳотлар Агентлик иш фаолиятида ўз ижобий самарасини кўрсатмоқда.

***Хизмат кўрсатишида қулайлик яратиш асосий вазифа***

2019 йил 1 марта товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиқсан жой номини рўйхатдан ўтказиш учун талабномалар топширилгандан сўнг бир иш куни мобайнида ушбу талабномалар ҳақидаги маълумотларни ягона ва доимий янгиланиб борадиган интеграциялашган маълумотлар базаси (<http://baza.ima.uz>)га жойлаштириш тизими жорий этилди. Мазкур қулайлик жорий қилингандан сўнг ўтган давр мобайнида тизимга **4320** та талабнома ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилди;

- Агентлик интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни муҳофаза ва химоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ваколатли давлат бошқаруви органи сифатида 2019 йил давомида интеллектуал мулк объектларига **10142** та талабнома қабул

қилган, бу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан **17,7** фоизга ортган, шунингдек **8549** та интеллектуал мулк объектлари бўйича экспертиза ўtkазилди; **4445** та интеллектуал мулк объектлари давлат реестридан ўtkазилди, бу кўрсатгич 2018 йилга нисбатан **25,7** фоизга ортганини кўрсатади, Мадрид келишуви Протоколи бўйича **2254** та товар белгисига ҳуқуқий муҳофаза берилди.

- Шунингдек, тижоратлаштириш жараёнига бевосита боғлиқ бўлган интеллектуал мулк объектларига доир **361** (314) та шартнома рўйхатдан ўtkазилди, шундан ҳуқуқларни бошқа шахсларга (тўлиқ ва қисман) ўtkазиш шартномалари **159** та (101) ва лицензия шартномалари **202** тани (213) ташкил этди.

- “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4380-сон қарорига биноан Апелляция кенгаши тўғрисидаги низом тасдиқлангандан сўнг, **45** та аппеляция иши кўриб чиқилди, улардан **23** таси рад этиш, **21** таси бўйича қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди, кўрилган **1** та аппеляция ишида ихтирога топширилган талабномани фойдали модел сифатида қайтадан топшириш тавсия қилинди;

Шунингдек, тижоратлаштириш жараёнига бевосита боғлиқ бўлган интеллектуал мулк объектларига доир **361** (314) та шартнома рўйхатдан ўtkазилди, шундан ҳуқуқларни бошқа шахсларга (тўлиқ ва қисман) ўtkазиш шартномалари 159 та (101) ва лицензия шартномалари 202 тани (213) ташкил этди.

### *Ҳуқуқбузарликка қарши кураш*

Апелляция кенгаши тўғрисидаги низом тасдиқлангандан сўнг, **45** та аппеляция иши кўриб чиқилди, улардан **23** таси рад этиш, **20** таси бўйича қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди, кўрилган **1** та аппеляция ишида ихтирога топширилган талабномани фойдали модел сифатида қайтадан топшириш тавсия қилинди ва **1** та апелляция иши кейинга қолдирилди;

- Агентлик **100** та суд ишида, яъни **70** тасида мустақил талаблар кўймайдиган учинчи шахс сифатида ва **30** тасида жавобгар сифатида жалб этилди;

- Жамиятда интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуққа нисбатан хурмат билан қараш маданиятини шакллантиришга қаратилган тадбирлар

режасига мувофиқ ҳудудий адлия бошқармалари билан ҳамкорликда **30** дан ортиқ ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот тадбирлари ўтказилди;

Конрафакт маҳсулотларга қарши кураш ҳамда аҳолида интеллектуал мулк объектларига ҳурмат руҳини шакллантириш мақсадида “Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 14 мартағи ПҚ-2833-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 2017 йил 5 декабрда тасдиқланган 08/1-512-сон “Интеллектуал мулк ҳуқуқлари бузилиш ҳолатларини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар”да белгиланган вазифалар доирасида Ички ишлар ва Давлат солиқ идораларига **5302** та (шундан **5225** конрафакт) маҳсулотлар (лазер дисклар) ҳамда **8** та компьютер хотирасида **77484** та конрафакт аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурлар бўйича **35** та муаллифлик-ҳуқуқий хulosалари берилди ва уларга чора кўрилди.

### ***Соҳа ривожланишишида алоҳида эътибор қаратиши белгиланган вазифа ва муаммолар***

1. Интеллектуал мулкнинг иқтисодда тутган ўрни ҳақида тўхталадиган бўлсак, соҳа ривожи давлатлар иқтисоди ва тараққиётида катта аҳамиятга эга бўлиб бораётганини кўриш мумкин. Мисол учун, сўнгги йилларда Европа иттифоқида ялти ички маҳсулотида интеллектуал мулкнинг улуши **4,7** триллион евро (**5,22** триллион АҚШ долларини)ни ташкил этиб, Евроиттифоқ давлатлари ЯИМнинг **39** фоизини ташкил этмоқда. Россия Федерациясида бу кўрсаткич **7**, Хитойда эса **12,4** фоизни ташкил этади.

2. Олдимизда турган муҳим вазифалардан бири Ўзбекистон брендини халқаро майдонда кенг оммалаштириш, миллий белгиларини чет элда рўйхатдан ўтказишни янада оширишдан иборат. Ўзбекистонлик тадбиркорлик субъектлари томонидан атиги **65** та товар белгиси халқаро рўйхатдан ўтказилган. Бошқа давлатлар билан солиштирганда Россияда **19835** та, Украинада **5478** та, Қозоғистонда **170** та, Қирғизистонда **53** тани ташкил этади.

*Бутунжсаҳон интеллектуал мулк ташкилоти маълумотларига кўра, интеллектуал мулк ва бошқа номоддий активлар моддий капиталга нисбатан икки баробар кўп қўшишмча қийматни ташкил этади. Мисол учун, АҚШда 2014 йилда интеллектуал мулкдан самарали фойдаланиши **45,5** млн.*

*иши жойини ҳамда 6,6 трлн. АҚШ доллары қўшимча қийматини ёки 38,2 фоиз АҚШ ЯИДни ташкил этган.*

3. Яна бир ечимини кутаётган вазифа интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш муддатларининг узоқлиги (8 ойдан 4 йилгача), хусусан, товар белгилари бўйича – 8 ой, ихтиrolар – 4 йил, фойдали моделлар – 20 ой, саноат намуналари – 11 ой. Бу ўз навбатида Интеллектуал мулк ҳуқуқларини инсофсиз рақобатчилардан ҳимоя қилишда ўз салбий таъсирини кўрсатади. Бу жараён тор мутахассисликлар бўйича малакали кадрларнинг етарли эмаслиги билан ҳам характерланади (фармацевтика, тиббиёт, техника, саноат технологияси, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари в.б., соҳаларда), малакали кадрларни тайёрлаш эса ўртacha 10 йилни ташкил этади.

### ***Соҳа ривожига қаратилган устувор вазифалар***

1. Бутунжаҳон Интеллектуал Мулк Ташкилоти кўмагида 2025 йилгача бўлган даврга интеллектуал мулкни ривожлантириш **Миллий стратегиясини** ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқлаш олдимиизда турган муҳим вазифалардан саналади. Қарорда қуйидаги вазифаларни белгилаш кўзланган:

Интеллектуал мулкни бошқариш соҳасида идоралараро ҳамкорликни ривожлантириш, ушбу соҳада вазирликлар ва идораларнинг аниқ ваколатлари ва вазифаларини белгилаш;

Интеллектуал мулк яратувчиларини қўллаб-қувватлаш, миллий брендларни кенг оммалаштириш;

Интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузилишига қарши кураш тизимини такомиллаштириш, ушбу соҳадаги ваколатли органларнинг вазифаларини тақсимлаш мақсад қилинган.

2. Интеллектуал мулкнинг янги обьекти – географик қўрсаткичларни жорий этишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш устувор вазифалардан ҳисобланади.

Географик қўрсаткичлар тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши нафақат миллий ишлаб чиқарувчиларнинг обрўсини ошириш ва маҳсулотларнинг қўшимча қийматини таъминлаш, балки Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш мажбуриятлари билан боғлиқдир. Бугунги кунда Ўзбекистонда фақат 4 та товар келиб чиқсан жой номлари рўйхатга олинган;

3. Экспертиза жараёнини соддалаштириш ва автоматлаштиришни жорий этиш ҳисобига интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказишнинг жадаллаштирилган тартибини назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиши вазифалари ўрин олган.

Интеллектуал мулк соҳаси ривожининг аҳамияти шундаки, унинг асосий қисми номоддий активлардан иборатdir ҳамда унинг юқори нархга эришишида интеллектга асосланган технологияли маҳсулотлар асосий ўрин эгаллайди. Интеллектуал ресурслардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан уларнинг қиймати эскирмайди, аксинча ортади.

Мисол учун, Францияда фан ва янги технологиялар давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади. АҚШда штатнинг инновацион устуворликлари таълим сифатини оширишга қаратилган бир қатор дастурларда, шу жумладан тадқиқотлар ва технологияларда ўз аксини топган.

Япония давлати юқори интеллектга сармоя тикиш, таълим ва фанни ривожлантиришни фаол қўллаб-қувватламоқда. Натижалар - бу мамлакат фуқароларининг умр кўриш давомийлиги ошиши, илмий ишланмалар ва уларни иқтисодиётнинг турли соҳаларида муваффақиятли қўллашда кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, жаҳон миқёсидаги рақобат ва ўсиб бораётган бюджет чекловлари шароитида иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган давлатлар учун фан, технология ва инновацион сиёsat учун устувор йўналишларни танлаш миллий иқтисодиёт ўсиши самарадорлигининг ҳал қилувчи омилига айланади.